ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон “МАҲАЛЛА” хайрия жамғармасининг нашри

№ 55-56 (187-188) | 2000 йил 2 август, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

ҲАР КУНИНГИЗ ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ БИЛАН ТЎЛСИН

Яқинда кўчадан кириб келсам, энди икки ёшдан ошган неварам Ҳабиба зўр эҳтирос билан, «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» деган ашуланинг сатрларини қайта-қайта такрорлаб ўтирибди. Унинг овозини кўчадан ўтиб кетаётганлар ҳам эшитиб ўтишарди...

Омонулла МУТАЛОВ

ВАТАННИ СЕВИШНИ БИЛАЙЛИК

Шу тоб ўз болалигимни эсладим. Уч ёки тўрт ёшлигимда биринчи ўрганган қўшиқларим (агар уларни қўшиқ деб атаб бўлса) қуйидагича эди:

Чумчуқ жўхоримни еб кетди,
Эртага келаман деб кетди.
Кўчага чиқиб қарасам,
Алдадим келмайман деб кетди.

ёки бироз каттароқ бўлганимда

Самолёт, самолёт,
Қанотингни пастлаб ўт.
Қанотингга хат битай,
Кремлга ташлаб ўт.

ёки

Бутун халқлар тилаги,
Яша улуғ Москвам,

ашулаларини ўрганганмиз.

Шу тобда кўз олдимдан телевизор орқали кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинган сессия ўтди. Юртбошимиз зўр эҳтирос билан ушбу оламшумул тарихий воқеани эълон қилди-ю, ўтирганлар лоқайд, карахт, улардан қарсак ҳам сўраб олинди...

Начора, чунки биз шундай тарбияланган эдик. Бугун эса биз деярли бошқачамиз.

... Хориждаги ватандошлар Ўзбекистон Республикаси эълон қилинган кунни қандай қабул қилганликларини айтиб беришган эди.

«БУ ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИМИ?»

Ҳаж мавсумида ишчи гуруҳи таркибида ҳожилардан олдин Маккага етиб бордик ва уларни кутиб олиш бўйича тайёргарлик ишлари билан машғул бўлдик. Ҳожиларимиз жойлашадиган меҳмонхона тўққиз қаватли бўлиб, бинонинг кириш қисмини ўзбекча қилиб безадик, яъни давлат байроғимиз, ўзбек тилида йўл кўрсаткичлари, Ҳадис ва халқ мақолларини осиб қўйдик. Узунлиги саккиз қаватни қоплаган байроғимиз илиб қўйилди. Штабда ҳар ким ўз иши билан банд. Мен ҳам ниманидир ёзиб ўтирардим. Эшик шитоб билан очилди, кимдир бу «Бу Ўзбекистон байроғими?», - деб ҳовлиқиб кирди. Бошимни кўтариб қарасам ёши етмишлардан ошган, кийинишидан ўша ерлик ватандош, оёғи ерга тегмай келаяпти. Ўтирганлардан кимдир «Ҳа, Ўзбекистоннинг байроғи», - деди. Тасдиқ жавобини эшитган киши «тилингдан ўргилай» деб уни бағрига маҳкам босиб, у юзидан бу юзидан ўпди. «Эй, Оллоҳга шукр, менинг мамлакатимнинг байроғи Маккаи мукаррамада ҳилпираяпти», - у тўхтовсиз йиғларди.

Қўлига бир пиёла чой бериб, ўриндиққа ўтиришга таклиф этдик. Қалбидан тошиб келаётган ҳис ҳаяжони уни ўтқазадиган даражада эмас эди. Анча суҳбатлашдик. У киши ҳассасиз мустақил юра олмас экан, кўплашиб машинага ўтказиб юбордик.

«АВОМГА АЙТИНГ, МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ҚАДРИГА ЕТСИН»

Ўзбекистоннинг Жидда шаҳридаги консулхонасининг расмий очилишига меҳмон сифатида таклиф этишди.

Меҳмонлар ичида Саудия Арабистони Қироллигининг мўътабар амалдорлари, дунё мамлакатларининг элчилари, шунингдек мамлакатнинг барча қисмидаги ватандошларимизнинг вакиллари таклиф этилган эди. Улардан бири менга қарата: «Ука, бу кунларни биз қанча кутганимизни билсангиз эди. Ким ўйлаган эдики, мана шу иморат Ўзбекистонга бериладику, биз дунёнинг барча мамлакатлари дипломатлари билан мана шундай эркин, елкама елка туриб муомала қиламиз деб, Оллоҳга яна беадад шукр айтишдан чарчамайман», - деди. У бир оз ўзига келиб: «Ука, хафа бўлмайсизку, сизга бир нарсани айтсам. Ватандошларимизнинг баъзилари бу ердаги ватандошларга ҳавас кўзи билан боқишади. Билишмайдики, бу ердаги ватандошнинг энг бадавлати ҳам ватанимиздаги энг камбағалдан бир неча марта қашшоқроқдир. Чунки, бизнинг бу ерда фуқаролик ҳуқуқимиз йўқ. Оддийроқ қилиб айтса, хуржунимиз елкамизда. Чиқиб кет деса, бошимиз оққан томонга чиқиб кетишга мажбурмиз. Сизларничи, эркингиз қўлингизда. Баъзан билмоқчи бўлган нарсанг узоқдан яхши кўринади. Биз ташқаридан кузатиб сезаяпмизки, ватандошларнинг ҳаммаси ҳам ҳурликнинг қадрига етмаётгандай. Сиздан катта илтимос, авомга тушунтирингки, улар мустақилликнинг қадрига етсинлар, елкани елкага қўйиб, Юртбошининг ёнига кириб, Оллоҳ берган истиқлолни авайлаб асрасинлар...»

«БАЙРОҒИМИЗНИ КЎРИБ МАЗА ҚИЛАМАН»

Маккада бўлганимизда шу ерда яшаётган ватандошимиз эътиборли инсон Абдуллажон ака ҳикоя қилиб бердилар: «Менинг бир ўғлим оиласи билан Нью-Йорк шаҳрида яшайди. Йилига икки марта бир-икки ҳафтага невараларимни кўриб келиш баҳонасида у ерга бориб айланиб келаман. Мен ўғлим ишга кетиши билан секин кўчага чиқаманда, таксига ўтириб, БМТнинг олдидан беш-олти марта ўтаман. Нью-Йоркда неча кун бўлсам, ҳар куни шундай қиламан.

Чунки у ерда Ўзбекистон байроғи ҳилпираб турибди. Барча байроқлар билан баробар, улар билан ҳамоҳанг ҳилпираб турибди. Шуни тамоша қилиб маза қиламан.»

«МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ»ДАГИ ГАП

Бундан беш-олти йил муқаддам Саудиядан Муҳаммад Сиддиқ оғайним отаси Қори Бобоқул амаки билан Тошкентга келишди. Амаки ўн ёшлик чоғларида Қаршидан Афғонистонга, у ердан Саудияга ўтиб кетган эканлар. Шаҳарни ўзим айлантирдим. Қўлимдан келганча Тошкентнинг тарихи ва ҳозирги куни билан таништирдим. Охири «Мустақиллик майдони»га кириб келдик. Ёшлари саксонни қоралаб қолган қария ҳар бир нарсани диққат билан кузатар, юзида бахтиёрлик ҳисси ҳукм сурарди. У киши менга ўгирилиб: «Болам, биласизми, бу ерга қайтиб келишни бобом орзу қиларди, отам ҳам армонда ўтиб кетди, келишлик менга насиб этди. Агар рухсат этсангиз ётиб ерни ўпсам», - дедилар.

Мен хижолат бўлиб, гир атрофга ўгирилиб қараб, «қўйинг ота, нима қиласиз», деб икки қўлларидан маҳкам ушладим. (Юрт соғинчини у қандай ҳис қилишини биз билмаймиз-да.) «Оллоҳга шукр, энди менинг армоним қолмади».

Меҳмонларни кетиш пайтларида ўзим аэропортда кузатиб қўйдим. «Болам, «Мустақиллик майдони»да айтган гапим гап, Ватанни асранглар», - деб йўлга тушдилар.

Сурхондарё

ТАРАДДУД

Тўққиз йилдирки, истиқлол таратаётган нур кўплар қатори Сурхондарё вилоятининг тоғли Бойсун тумани меҳнаткашларининг ҳам азалий орзу-умидларини юзага чиқарди.

Туман меҳнаткашлари мустақиллик берган катта бахт, ҳеч нарсага қиёс қилиб бўлмайдиган улуғ саодат деб билмоқдалар ва шунинг учун ҳам ҳуррият байрамининг тўққиз йиллигини нишонлашга алоҳида тайёргарлик кўрдилар. Туман ҳокимлигида тузилган тадбирлар асосида ободончилик ишлари қизғин тус олдирилди. Бу ишга маҳалла фуқаролари йиғини раислари бевосита раҳбарлик қилаяпти. Қайси ташкилот, корхонада бўлманг, байрам нафаси уфуриб турганининг шоҳида бўласиз.

Шаҳардаги ат-Термизий, Шароф Рашидов, Олмазор кўчаларидаги ариқлар тозаланди. Йўлакчалар тартибга келтирилди. Қайта техник таъмирланган «Бойсун-1» почта алоқаси, Маданият бўлимига қарашли музейнинг эски бинолари янгидан чирой очди. Хиёбонлардаги ранго-ранг гуллар парваришига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Чорчинор, Пойгабоши, Оби маҳаллаларидаги тайёргарлик ишлари айниқса диққатга сазовор.

Шунингдек туманда 400 болага мўлжалланган қурувчи ёшлар тайёрловчи коллеж, Сариосиё қишлоғида кундузги даволаниш биноси ва бир неча турар жой бинолари байрам арафасида фойдаланишга топширалади.

- Ҳали амалга ошириладиган ишларимиз бисёр, - дейди биз билан суҳбатда туман ҳокимининг ўринбосари М.Норқулов, - август ойида тозалик ва ободонлаштиришга қаратилган шанбалик ўтказамиз. Токи туманнинг ҳар бир қишлоғи, маҳалласи байрам тусини олсин.

Ҳа, мустақиллик эпкинларидан баҳра олаётган бойсунликлар қутлуғ байрамни ёруғ юз, муносиб армуғонлар билан нишонлаш ниятида астойдил иш олиб бораяптилар.

Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

ШУ СОНИНИНГ

2-саҳифасида:

- **Ҳанафия мазҳаби дунёда энг кенг тарқалган мазҳаб бўлиб, ҳозирги кунда унга 500 миллион мусулмон эргашади. Биз бу йўлда эканлигимиздан фахрланишимиз керак.**
- **Бир маҳаллага нечта гузар керак?**
- **Моддий-молиявий масала оқсоқол учун энг масъулиятли, жавобгарлиги кўп бўлган юмуш.**

3-саҳифасида:

- **Асаларилар ғужғон ўйнаган Сирдарё боғлари қани?**
- **Термиз шаҳри уюм-уюм чиқиндихоналардан халос бўладими? Қачон?**
- **Савол беринг, жавоб топамиз.**

4-саҳифасида:

- **Тақдирни сеҳру жоду эмас, Яратганнинг ўзи билади.**
- **Маҳаллани танимаган амалдорнинг фожеаси битта: у маҳалла-кўйдан ажралиб қолади.**
- **Нодим Намангоний хотинининг қадр-қимматини фироқ кезларида янаям чуқур ҳис қилган.**
- **Қўшнида икки жумрак, бизда эса сув бедарак!**

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари

ШУКРКИМ, ДИНИМИЗ ЭҲТИРОМДА

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!

Яратган Падвардигорга беадад шукроналар бўлсинким, бу йил мустақиллигимизнинг 9 йиллигини нишонлаймиз, улуғ Истиқлол туфайли қадимий урф-одатларимиз, ўзимизга хос шарқона фазилатларимиз яна қайтадан тиклана бошланди. Республика раҳбарияти томонидан, мусулмонларнинг диний маросимларини камоли ҳуррият билан адо этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилиб берилди.

(Давоми 2-бетда.)

«Мен ҳам миллионлаб баркамол авлоднинг сафида борман»

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

Қорақалпоғистон:

КАУНТЕРПАРТ КОНСОРЦИУМ ВА МАКОН КЕНГЕСЛАРИ

Каунтерпарт Консорциум ташкилотининг Қорақалпоғистондаги бўлими ҳамда «Жамоатчилик текширувлар маркази» ҳамкорликда жойларда аҳолининг яшаш шароити билан яқиндан танишиб, уларга имкон даражасида ёрдам уюштирмоқда.

Қорақалпоғистон пойтахти Нукус шаҳридаги 32-макон кенгеси ҳудудида истиқомат қилувчилар сув танқислигидан азият чекаётган эди. Чунки мазкур аҳоли яшаш пункти меҳнаткашлари асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиб, шаҳарликларга ҳар хил полиз ва сабзавот, боғдорчилик маҳсулотлари етказиб берарди. Юқорида тилга олинган ташкилот ва марказ «Қизкетген» магистрал каналига қудратли насослар ўрнатиб, аҳолини оқар сув билан кафолатли таъминлади.

- Бу тадбир «Маҳаллалардаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш» дастури асосида амалга оширилган дастлабки фойдали ишимиз бўлди, - дейди Каунтерпарт Консорциум ташкилоти Қорақалпоғистон бўлимининг раҳбари Палмурза Хўжабеков. - Ташкилотимиз шу дастур бўйича асосан Қўқон, Бухоро ва Нукус шаҳарларида кенг кўламда иш олиб бораётир. Мақсадимиз - нодавлат, нотижорат ташкилотларини аҳолининг кенг қатламига фуқароларнинг манфаатларини кўзловчи шериклар сифатида танитиш, иккинчидан, маҳаллалар, овул фуқаролар йиғинлари ва макон кенгесларини халқ ва ҳукумат ўртасидаги асосий боғловчи бўғинга айлантириш, учинчидан, шериклик алоқаларини кучайтиришдан иборатдир. Биз юқоридаги дастур асосида салмоқли ишларни бажардик. Жумладан, 15-макон кенгесида ногиронлар жамиятининг дурадгорлик устахонаси очилишига маблағ билан кўмаклашдик. Унда 15 нафар ногиронлар иш билан таъминланди. Шунингдек, Нукус шаҳар кўзи ожизлар жамиятига қарашли тўрт қаватли турар жойни таъмирлаш учун маблағ ажратдик.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистоннинг бошқа туманларида ҳам ташкил қилинмоқда. Экологик офат маркази ҳисобланган Бузатов туманидаги «Қозоқкетген» посёлкаси фуқаролар йиғинида «Нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва давлат» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унинг ташкилотчилари - Каунтерпарт Консорциум, «Жамоатчилик текширувлар маркази» ва «Маҳаллалардаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш» маркази координатори - жами 25 нафар фаоллар шаҳарчадаги аҳоли яхши яшаб, меҳнат қилиши учун зарур бўлган шарт-шароитлар билан танишди. Нодавлат ва нотижорат ташкилотлар томонидан биринчи навбатда ҳаммом қурилиши учун маблағ ажратилишига қарор қилинди.

Даутбой ҲАБИБУЛЛАЕВ,
журналист.
Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,
«Mahalla» мухбири.

МУШТАРИЙ ДЕЙДИКИ...

«MAHALLA»НИ СЕВИБ ҚОЛДИМ

Мен сизлар билан яна ушбу хатим орқали ярим дийдор кўришиш шарафига муяссар бўлиб турганимдан хурсандман.

Биринчи марта «Mahalla» газетасини қўлимга олиб ўқиганимда газетанинг нақадар халқчил эканлигига, айниқса, маҳаллалар ичига, инсонлар қалбига етиб борганлигини ҳис қилдим. Ишонинг, мен сизнинг ҳақиқий мухлисингизга айландим. Шунингдек, бундан буён ўз машқларим билан бу газетада қатнашишни орзу қилдим.

Асатилла АБДУРАЙИМОВ.
Норин тумани.

МАҲАЛЛАГА МАДҲИЯ ЯРАШИҚ

Газетанинг сўнгги сонларидан бирида эълон қилинган Инобат ТУРСУНОВАнинг «Маҳалла мадҳи» номли шеърини ўқиб, маҳалладошлик ришталарини қадрлайдиган, маҳалласини чинакамига ардоқлайдиган инсоннинг қалб кўрини сездим.

Шеърнинг мазмуни қуюқ. Агар бу шеър яхши мусиқий оҳангда куйланса, аъло қўшиқ бўларди, деб ўйлайман.

Умуман, маҳалла тизими фаолиятига ҳукуматимиз ва муҳтарам Президентимиз томонидан берилаётган эътибор ва ваколатлар, ўз ўрнида ушбу тизимнинг жамиятимизда, халқимиз тақдирида тутган ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олсак, «Республика маҳаллалари мадҳияси» яратилса, айни муддао бўларди. Маҳалла - ҳар бир фуқаро учун она Ватаннинг эъзозли бир бўлаги ҳисобланади. Шундай экан, маҳалла шаънига айтилган бир оғиз илиқ сўз ҳам, унинг мадҳига яралган шеър ёки қўшиқ ҳам ҳаммамизнинг, айниқса, ёшларимизнинг қалбида ватанпарварлик, олийжаноблик, юртга муҳаббат туйғуларини янада мустаҳкамлаши табиий.

Ҳаким НАЗИР,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар:
Хатлар бўлими: 136-53-75,
масъул котиб: 136-53-75
ижодий бўлимлар — 136-53-82,
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

● СЎНГГИ ХАБАРЛАРДАН

«ШАФОАТ» УЙИ ОЧИЛДИ

Марғилонда ёлғиз, қаровга муҳтож қариялар-нинг саломатлигини тиклашга мўлжалланган «Шафоат» уйи очилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чоратадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорига биноан ташкил этилган ушбу марказда бирйўла ўн нафар қария ўн кунлик ҳордиқ давомида соғлиғини текширтириб, керакли муолажаларни олади. Йил давомида шаҳардаги 90 нафар қаровга муҳтож кексалар, 320 нафар ёлғиз қариялар бу ғамхўрликдан баҳраманд бўлишади.

Р.Камолов,
ЎзА мухбири.

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари

ШУКРКИМ, ДИНИМИЗ ЭҲТИРОМДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ислом дини бирон бир давлат, миллат ёки муайян гуруҳларга мансуб бўлмай, унинг ҳаётбахш таълимотлари, аввало инсонни азиз ва мукаррам зот сифатида эъзозлайди. Унинг маънавий камолотига ва ҳаётий манфаатларига хизмат қилади.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси кўп миллатли, дунёвий давлат бўлиб, унда барча динларнинг тенг ҳуқуқлилиги қонун билан кафолатланган.

Ислом дини мусулмонларни ўзаро меҳр-оқибатга, бошқа миллатлар билан тинч-тотув яшаш, бошқа дин вакилларига нисбатан ҳурмат кўрсатишга чақиради.

Минг афсуски, ана шу эркинликлардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга уринувчилар ҳам пайдо бўлиб қолди. Чет элдан диёримизга кириб кела бошлаган турли хил бузғунчи оқимлар, ислом фундаментализми, экстремизмнинг миссионерлик кўринишларида намоён бўлди. Улар ўзларининг ғаразли мақсадларини рўёбга чиқариш учун турли йўллар билан соддадил халқимизга ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилдилар.

Таассуфки, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, қўшни Афғонистон, Тожикистон ва Қирғизистон қолаверса, Кавказ ортида илдиз отган экстремистик гуруҳлар ва уларнинг ғоялари бизнинг диёримизга ҳам кира бошлади. Ана шундай бузғунчи оқимлардан бири - «Ҳизбут-таҳрир ал-Исломия» номли норасмий ўта сиёсийлашган ташкилотдир. Ташкилотнинг асосий раҳномалари Ғарбий Оврўпо давлатларида «ҳузур-ҳаловатда» яшайдилар. Уларнинг гумашталари эса Миср, Тунис, Иордания, Фаластин, Қувайт ва Туркияда фаолият кўрсатадилар. «Ҳизбчилар»нинг энг хатарли томони шундаки, улар мафкура жабҳасида иш олиб борадилар, ёшлар тарбиясида ҳосил бўлган бўшлиқдан фойдаланиб, уларнинг онгини заҳарлашга уринадилар.

Диёримизда азалдан Ислом дини кенг тарқалган бўлиб, у қизил империя ҳукмронлик қилган даврларда турли тазйиқларга учраган эди. Ҳақиқий диний эътиқод эркинлиги Истиқлол шарофати билан тўла амалга оширилди.

Ҳозирда олдимизда турган долзарб вазифа ана шу диний эркинликлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш, бутун саъй-ҳаракатларимиз ва барча имкониятларимизни, жамият равнақига қаратишдан иборатдир.

Юзага келган вазият таҳлили асосида Президентимиз Ислом Каримов «Диний ақидапарастликка қарши курашни бир дақиқа ҳам сусайтирмаслик лозим» деб бежиз айтганлари йўқ.

«Ҳизбчилар»нинг қўлланма ва тарқатган маълумотларидан билинмоқдаки, мусулмончиликда ҳокимият учун кураш биринчи ўринда, ибодат ва ахлоқ иккинчи ўринда эмиш. Шунинг учун ҳам уларда на устозларга ва на ота-оналарга нисбатан иззат-ҳурмат бор.

Энг ачинарлиси шуки, улар Имом Аъзам (раҳматиллоҳи алайҳ) асос солган ҳанафийлик мазҳабига ҳурматсизлик билан қарайдилар. Диёримиз мусулмонларининг энг тўғри йўли саналмиш Ҳанафия мазҳабида эканликларидан фахрланиш ўрнига бошқа заиф мазҳаб ва бузғунчи оқимларни қўллаб-қувватлайдилар. Ахир, бу ҳам хиёнатнинг бир тури эмасми?!

Маълумки, Ҳанафия мазҳаби дунёда энг кенг тарқалган мазҳаб бўлиб, манбаъларга кўра, ҳозирги кунда унга 500 миллион нафардан ортиқ мусулмон эргашади. Марказий Осиё, шу жумладан Ватанимиз мусулмонлари 1300 йилдан буён эътиқод ҳамда ҳуқуқ масалаларида Ҳанафия мазҳабига тобеъдурлар. Бу мазҳабнинг оламда кенг тарқалишига сабаб, аввало унинг халқчиллиги бўлса, иккинчидан, Ислом тарихидаги Бағдод ва Усмоний халифаликлари диний, ҳуқуқий ва ижтимоий соҳалардаги барча масалаларни ҳал қилишда шу таълимот қонун-қоидаларига суянилган. Амир Темур ва Бобурийлар давлатида ҳам динга тааллуқли ишлар Ҳанафия мазҳаби асосида юритилган. Бу мазҳаб Ислом динидаги тўрт мазҳаб ичида ўрта ҳол ва дин тарқатишда куч ишлатмасликни тарғиб қилади.

Бу табаррук заминда яшаётган ҳар бир қалби пок инсон азиз ота-Ватанимиз олдидаги фуқаролик бурчларини яхши англаб олмоқликлари керак. Мустақиллигимиз ва тинч-осуда ҳаётимизга раҳна соладиган ҳар қандай кучга барчамиз ҳамжиҳат бўлиб, жаҳолатга қарши маърифат билан мардона курашмоғимиз лозим.

Президентимизнинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» номли рисолаларида шундай илҳомбахш сўзлар бор:

«Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз... дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди».

● МОДДИЙ ЁРДАМ...

Ўзини ўзи бошқариш идоралари, хусусан, маҳаллаларга берилаётган ваколатларга боғлиқ ҳолда маҳалла йиғинларининг ҳам юмушлари ошмоқда. Бу борада сир эмас, маҳалла оқсоқоли, бошқа мутасаддиларнинг, фуқароларнинг виждонлари ҳам синовдан ўтмоқда.

● ФИКР

ЖАМОАТЧИЛИКДА ХОЛИСЛИК БОР

Одамлар ўртасида ижтимоий адолатни тиклаш, моддий рағбатлантириш ёки ёрдам пулларининг адолат билан тақсимланишига эришиш мақсадида аввалари аҳолига ижтимоий таъминот бўлимлари тақдим этиб келган маблағлар бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан берилмоқда. Бу билан, шубҳасизки, одамлар ўртасида ошкоралик тамойиллари ўрнатилмоқда.

Маҳалламиз идорасида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам пули белгилаш ишига масъул бўлган 7 кишидан иборат комиссия тузилган. Гуруҳ аъзолари маҳалладошларимиздан тушган аризаларни синчиклаб ўрганиш, ҳар бир оиланинг ҳақиқий моддий шароитини таҳлил этиш асносида ушбу маблағларни белгилашда ўзига яраша «қаттиққўллик» хусусиятларини намоён қилишмоқда. Гап шундаки, ариза ёзган кишилар орасида автомашинаси бор бўлган ёки расмий жиҳатдан ҳеч қаерда ишламаса-да, тадбиркорлик ёки бошқа манбалар ҳисобига бой яшаётганлар мавжудлиги аниқланди. Ана шу таҳлиллар натижасида, бу йил ижтимоий ёрдам пулини олувчилар рўйхатини бироз қисқартиришга эришдик. Хусусан, маҳалламизда 16 ёшгача фарзанди бўлган оилаларга ҳар ойда 200 минг сўм, 2 ёшгача боласи бўлганларга 135 минг сўм маблағ сарфланаяпти. Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ижтимоий ёрдам маблағларини тақсимлаш ваколати биз - маҳалла фуқаролар йиғини фаолларига бежиз топширилгани йўқ. Мавжуд аҳволни, шарт-шароитни холисона таҳлил қилишда фақатгина жамоатчиликка таянилар экан, бу ишончни биз ҳар қадамда оқлашимиз лозим.

Баҳодир МУҲАММАДИЕВ,
Гулистон шаҳри,
Шароф Рашидов номли маҳалла оқсоқоли.

МОДДИЙ ЁРДАМ КЕРАК, ДЕЙДИ

Ўз бойлик ва имкониятларини яшириб моддий ёрдамга кўз тикканлар ҳам уялмасдан ўқийверсин

Нотавону ёлғизлар бор
Ёрдам қилмоқ керак сўзсиз.
Аммо учрар баъзи «юзсиз»,
Моддий ёрдам керак, - дейди.

Қўлин пахса қилар Кампир: -
Титратаман ҳаммангни зир!
Ўн ўғли бор, бари зўр-зўр,
Моддий ёрдам керак, - дейди.

Норғул йигит, кайфи таранг,
Ўшқиради: - Менга қаранг,
Юрибман оёқда аранг,
Моддий ёрдам керак, - дейди.

Бири қушноч, бири фолбин,
Келишар ҳаммадан олдин.
Дер: - Нега рўйхатдан қолдим,
Моддий ёрдам керак, - дейди.

Тилла тиши икки қатор,
Бозордаги олиб-сотар,
Уялмасдан, қилмасдан ор,
Моддий ёрдам керак, - дейди.

Она нолир: - Қизим-ку соғ,
Куёвим қурғур ялқовроқ.
Келолмайди уятчанроқ,
Моддий ёрдам керак, - дейди.

«Титан» кўйлак кийган жувон,
Раисга дер секин-пинҳон: -
Ҳўжайиндан сизга салом,
Моддий ёрдам керак, - дейди.

Дўстимиз бор жуда «фақир»,
(Орамизда қолсин бу сир).
«Бечора» дўконда мудир,
Моддий ёрдам керак, - дейди.

Данғиллама уй эгаси,
Остида «чет эл маркаси».
Катта амалдор акаси,
Моддий ёрдам керак, - дейди.

Икки юз бош қўй-қўзиси,
Мол бозорининг «бўриси».
Бунчалар қаттиқ «терниси»,
Моддий ёрдам керак, - дейди.

Жавоб шу бу «азизларга»,
Ношукр, «қалин юзларга»,
Зикир: - Фақат ожизларга
Моддий ёрдам керак, - дейди.

Зикрилла ОХУН,
Косон шаҳар,
Лолазор маҳалласи
фуқаролар йиғини раиси.

АДОЛАТ ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Айни вақтда мустақил Ўзбекистонимизда Президентимиз фармойиши билан ёш болали оналар, кам таъминланган оилаларга нафақалар тайинлаш тўғрисида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларга ғамхўр, адолатли бўлиш эса маҳалла фаоллари зиммасига юклатилган.

Лекин, шунга қарамай, айрим фуқаролар йиғинларида таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчиликка йўл қўйилмоқда. Қанча кўрсатмалар берилишига қарамай, радио ва телевидениеда қанча тарғибот кўрсатувлари намойиш этилишига қарамасдан, бундай адолатсизликлар афсуски, учраб турибди.

Биз истардикки, барча маҳаллий раҳбарлар ҳам халифа Умардек фуқаропарвар, Президентимиздек одил, халқпарвар бўлиб, мустақил юртимиз ривожига ўз ҳиссаларини қўшсалар.

Ибодулло ФОЗИЛОВ.

● МУНОСАБАТ

«XXI аср маҳалласи қандай бўлиши керак?»

ГУЗАР ҲАМ БОЗОРДЕК ГАП

Газетамизнинг 5 июл сонида босилган профессор Эркин Қосимовнинг «XXI аср маҳалласи қандай бўлиши керак?» рукнидаги мақоласи билан танишиб чиқдим.

Унинг янги аср маҳаллалари аҳоли учун ҳар жиҳатдан қулай, савдо ва маиший шохобчалари биргина гузарда жам бўлмасдан, тарқоқ ҳолда қурилиши мақсадга мувофиқ бўлади, деган мулоҳазаси берилган.

Бу ўринда менда бир мулоҳаза туғилди. Агар маҳалланинг савдо ва маиший шохобчалари бир гузарда мавжуд бўлмасдан, икки-уч чақиримга чўзилган тарқоқ бўлса аҳолига қандай қулайлик туғдириши мумкин? Қишлоқ жойларнинг аҳолиси гузардан бирон нарса харид қилмоқчи бўлса 3-4 чақирим масофадан келиб, яна тарқоқ гузар дўконларини кезиб 1-2 чақирим йўл юриши керак бўладими? Шу муносабат билан барча савдо ва маиший хизмат бўлимлари тарқоқ ҳолда эмас, гузарга жамланган ҳолда шаклланиши лозим эмасмикан?

Болалигим Тошкентнинг Себзор даҳасидаги Тахтапул маҳалласида ўтганлиги сабабли менга бу ерни мисол тарнқасида тилга олиш қулай. Себзор даҳасида ўндан ортиқ Тахтапул маҳаллалари мавжуд эди. 1-,2-,... 10-Тахтапул маҳаллалари, Кайковус сув бўйида жойлашган Тахтапул гузари жуда гавжум ҳисобланарди. Машҳур Ориф ўрис ҳовлиси рўпарасида 6-трамвай тўхтар, унинг озиқ-овқат дўконлари, 2-нон дўкони, саноат моллари магазинлари унга туташган эди. Кўчанинг ҳар икки томонида чойхоналар бўлиб, Чимкент, Туркистондан туяда буғдой келтирувчиларга ҳам хизмат қилинар эди. Қурбон тоғанинг тегирмонида ун тортилар, аҳолига Ҳомид монтёр навбатчилик йўли билан хизмат қилар эди.

Кейинчалик бу ерлар истироҳат боғига айлантирилди. Катта ярим доира кўприк солинди. Кинотеатр биноси қад кўтарди, қариялар чойхонаси қурилди. Худди шундай гузар Шайхонтоҳур марказида ҳам бўлиб, бу гузар айниқса, рўза ифторлигида гавжум бўлар эди.

XXI асрнинг маҳалласи қандай бўлади, деган саволга жавоб ахтарар эканмиз, қадимги маҳалла гузарларидан ҳам андоза олишимиз керак. Мен бу ерда маҳалла маркази бозорга ўхшаган бўлсин, деган фикрни ўртага ташламоқчи эмасман, қадимда Тахтапул гузари иккинчи даражали ҳисобланиб, Эски Жўва ва Чорсу ҳақиқий бозор ҳисобланарди.

XXI аср маҳалласи ҳақида мулоҳаза юритилар экан, маҳаллада маданий, маиший ишлар юқори даражада ривожланган бўлишини истайман. Бунинг учун чойхона атрофида қироатхона, кутубхона, биллиардхона, шахмат-шашка хоналарини, атрофда футбол майдончалари ҳам кўзда тутилиши керак. Энг муҳими,, чойхона таркибида йиғилиш ва мажлислар ўтказиш учун имконият яратилиши керак.

Ҳикмат СОБИРОВ,
профессор.

Фарғона

● МАҲАЛЛА: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

МАҲАЛЛАДА ҲИСОБЧИЛАР ИШЛАШМОҚДА

Маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўз ҳуқуқ ва ваколатларидан самарали фойдаланиш борасидаги ишларини такомиллаштириш бугуннинг талабидир. Чунки аҳли маҳалла тинч-тотув, оилапарвар, элпарвар, дини имони мустаҳкам бўлса, юрт, мамлакат ободлиги, умрбоқийлиги устивор бўлади. Ушбу масалалар маҳалла оқсоқолларининг нуфузи, обрўэътибори, билим, салоҳияти, ташаббус ва ташкилотчилиги, жонкуярлигига боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас.

Лекин маҳалла фуқаролар йиғини раисининг оёқ-қўлини тушовлайдиган, баъзан бошида калтак синдирадиган ташвиш ва муаммолар шунчалар кўпки, натижада у энг асосини - енгилига чопа қолади. Улардан бири ва масъулиятлиси аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, кам даромадлилар ва болалар нафақаларини адолатли тақсимлаш вазифаси.

Бу борада йиғин оқсоқоли қанчалик билимли ва фидойи бўлмасин, ҳар бир хонадоннинг ижтимоий-моддий аҳволи меъёри, мезонини белгилаш, тақдим этилган ҳужжатларнинг қонунийлиги ёки қалбакилигини текширишда вақти, имконияти чегараланган ва у ўз маслаҳатчиларига ишониб қолади. Чунки у кўпинча бундан ҳам муҳимроқ ишлар билан банд бўлишга мажбур бўлади. Бунинг оқибатида келиб чиқадиган дилхиралик ва қонунбузарликларга фақат оқсоқол жавобгар. Биргина Фарғона вилоятининг ўзида шу йилнинг биринчи чорагида прокуратура идоралари томонидан маҳалла фуқаролар йиғинлари қарорларига нисбатан 102 та протест, 21 та тақдимнома киритилган, 15 нафар шахслар расмий равишда огоҳлантирилган, 75 нафар масъул шахсларга нисбатан интизомий, битта шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилган.

Бу соҳадаги хато ва камчиликларни бартараф этиш, муаммолар ечимини топиш борасидаги саъй-ҳаракат ҳамда тажрибалар ўз самарасини бермоқда.

Қўқон шаҳридаги Чархкўприги, Ғиштқўприк, Урганчибоғ, «Иттифоқ» маҳалла фуқаролар йиғинларида коммунал тўловлардан тушган маблағнинг моддий рағбатлантириш қисми ҳисобидан ҳисобчи олиниб, қонуний асосда маош тўланмоқда. Марғилон шаҳрининг «Йўрмадўз», Бобур номли маҳалла фуқаролар йиғинларида эса аҳолига зарур бўлган иш ҳужжатлари орқали пуллик хизмат кўрсатиш йўли билан мазкур вазифа маош билан таъминланмоқда, яъни тушумлар банкка топширилиб, ойлик белгиланмоқда.

Вилоятнинг Учқўприк, Бувайда, Фурқат туманларида эса худди шундай имкониятлар ҳисобига айрим қишлоқ фуқаролар йиғинлари хотин-қизлар қўмиталари фаолият кўрсатмоқдалар.

Буларнинг барчаси маҳалла оқсоқолининг бутун фикру ўйи, саъй-ҳаракати, шижоатини маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни кучайтириш, халқнинг ичида кўпроқ бўлишга йўналтиришга имконият бермоқда.

Энахон СИДДИҚОВА.

Бухоро

СИНОВ НАВБАТИ - ПОСБОНЛАРГА

Фаолиятининг қисқа даври мобайнида маҳалла посбонлари жуда катта ютуқларга эриша олганларини тан олиш керак. Масалан, Бухоро вилояти миқёсида маҳалла посбонлари ҳамкорлигида 23 та жиноят фош этилди. 414 та турли ҳуқуқбузарлик ҳолатларига нисбатан қонуний чоралар кўрилди. Тўрт нафар диний-экстремистик оқимдаги ўсмирлар аниқланиб, улар билан алоҳида, юзма-юз тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Посбонлар фаолиятини янада жонлантириш, уларнинг зийраклиги ва ғайрат-шижоатини ошириш эл манфаатидаги ишдир. Шу муносабат билан вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан посбонлар ўртасида кўрик-танлов ўтказилди. Дастлаб маҳаллалараро7 туман ва шаҳар биринчиликлари учун ўтказилган танлов натижаларида 14 нафар посбон вилоят беллашувига шай бўлди. Посбонлар турникда осилиш, чаққонликни намойиш этиш, тош кўтариш, қўл кураши сингари спорт мусобақаларида куч синашишди. Бундан ташқари улар ўз маҳаллалари тарихи, оқсоқоллик фаолиятининг бугунги имкониятлари, намунали оилалар ҳақида кўрик-танлов ҳайъатига сўзлаб бердилар. Беллашув якунига кўра энг чаққон, зийрак ва маҳоратли посбон деб пешқулик посбон Шавкат Раҳматов биринчиликни қўлга киритди. Бобур Жумаев, Ортиқ Аҳмедовлар эса кейинги ўринларни олишга муваффақ бўлишди.

Беҳбуд ЖУМАЕВ,
«Маҳалла» жамғармасининг Бухоро вилояти бўлими раиси.

● МАҲАЛЛА - 2000

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси совриниучун бўлаётган болалар футболи баҳсида ҳозир Тошкент шаҳар ва вилоятлар ғолибларини аниқлаш учун тўп ўртага қўйилди.



- Ойиси, маҳалламизда ҳамма тадбиркорлик қиляпти. Шу сигир ва бузоқни сотиб биз ҳам...

● МАҲАЛЛАМИЗ КЎЧАЛАРИ

Кавсар ТУРДИЕВА

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КЎЧАСИ

Замин учун азиздир
Халқларнинг барчаси.
Ўзбекистон курраниng
Бир бўлаги, парчаси.

Эл бошига иш тушса,
Дўст синовдан ўтади.
Дўстлик эса ҳамиша
Қурашлардан ютади.

Дўстлик меҳр-сеҳрдир,
Дилни-дилга қўшадир.
Офат, кулфат чоғида
Ёрдам берган ўтадир.

Интилади барча халқ
Тотувликка, дўстликка.
Дўстлик эса ҳеч қачон
Йўл қўймас кам-кўстликка.

КОСМОНАВТЛАР ПРОСПЕКТИ

- Меркурийдан ёки Марсдан
Келайпсанми, Аҳмад?
Нептундан Нор учиб келди,
Олиб келди сенга хат.

Кўраяпман дурбинда
Ана тоғ, ана саҳро.
Ой бекати, Марс бекати
Кейинги бекат Зуҳро.

Ҳозирча бу хаёлдир,
Лекин олдда келажак.
Яқин кунда барча ҳам
Рост, фазогир бўлажак.

Самоватнинг калитин
Қўлимизга тутади.
Эвазига бизлардан
Эзгуликни кутади.

ОРЗУ КЎЧАСИ

Ҳамма кўчалар созу,
Аммо энг зўри орзу.
Бизга келдингми, демак
Айт бирор орзу-тилак.
Фақат эзгу бўлса бас,
Акс этса ойдин ҳавас.
Билмам қайси вақт, қачон
Бир кун бўлади бажо.
Фақат шуни эсда тут
Орзуингни қаттиқ кут.

САЛОМАТ КЎЧАСИ

Келсин десангиз омад
Бўлинг доим саломат.
Соғлиқ энг катта бойлик,
Кўчам шундай чиройлик.
Унда ҳамма бадавлат,
Ҳаммада бордир сиҳат.
Чарчамас, ҳормас, толмас
Меҳнатсиз тура олмас.
Қўлдан кетмасин омад
Бўлинг доим саломат.

МУЛОЙИМЛИК КЎЧАСИ

Сеҳргар тушиб пастга
Нимадир деди аста.
Ўшандан буён доим
Менинг номим Мулойим,
Бизда тузилган луғат
Энг яхши сўздан фақат.
Ҳорманг, қуллуқ, тасанно
Кечирасиз, марҳабо.
Бизда ёмон сўйлашмас,
Ҳатто ёмон ўйлашмас.
Одамларнинг юзидан
Табассум ҳеч аримас.
Қарилар минг йил яшар,
Ёшлар эса қаримас.

(Давоми бор.)

МУХБИР НАЗАРИ

СИРДАРЁ БОҒЛАРИНИНГ ШУҲРАТИ ҚАНИ?

Уларни тиклаш учун имконият бор

Эҳ, пишиқчилик дамлари-чи?! Бир воқеа ҳали-ҳали ёдимда: чўпонлар подасини қир-адирга чиқарган дамлар. Кунларнинг бирида кўчадан ўтиб бораётган икки отлиқ чўпон ҳил-ҳил пишиб турган ўрикни кўриб, ундан тамадди қилиш, имкони бўлса бироз олиб кетиш илинжида бурилишди. Онам раҳматлик уларга пешвоз чиқди. Меҳмонларга ўрикдан келтириб тутди. Улар ўрикни мақтай-мақтай 2-3 донадан ейишди ва олиб кетишга озгина сўраб, онамга юзланишди. Онам уларга ўрикдан хоҳлаганича териб олишларига рухсат берди. Чўпонлар икки белбоғ ўрикни учма-уч қилиб тугдилар-да, онамга пул узатишди. Шунда онамнинг чеҳрасидаги табассуми аллақандай меҳрибонлик билан жилваланди:

- Нима қиляпсиз, болаларим. Ахир мен бу ўриксорни пуллаш учун бунёд қилганим йўқ-ку! Шу кўчадан ўтган-кетганлардан кимнинг ризқи қўшилган бўлса, ўшалар татисин, савоби тегсин, деганман. Мевали боғ кишидан бир ёдгорлик. Савоби тегса, ана шунинг ўзи менга етарли... Ўшанда чўпонлар раҳмат айтиб жўнаб кетишди. Боғ яратган онамга эса бир дунё савоб тегди, чамамда.

Ёш бола эдик. Ўрикзор боғимиз бўларди. Эрта кўкламдаёқ ҳаммаёқ оппоқ нурга кўмиларди. Асаларилар ғужғони гулдан-гулга кўчарди, булбуллар хониши бутун борлиқни тутарди.

Боёвут туманидаги ҳозирги «Ғалаба» хўжалиги ерларида барпо этилган Усмон Юсупов асос солган боғнинг довруғини қўпчилик яхши эслайди. Бутун Мирзачўлда довруғ таратган мазкур боғ эл-юртга кўп йиллар хизмат қилди, дастурхонни ноз-неъматга тўлдирди. Кейинчалик бу яхши анъана давом эттирилиб, вилоятнинг Ш.Рашидов, Ховос, Сирдарё, Оқолтин туманларида алоҳида боғдорчилик хўжаликлари ташкил этилди. Лекин, бу тармоқ зарар келтирадиган соҳага айланиб қолган.

Кези келганда айтиш керакки, шахсий хўжалик тармоқларида, фермер хўжаликлар далаларида ҳам мевали дарахтлар камайиб кетди. Бу муаммони ҳал этадиган пайт келди. Бунинг учун маҳалла фуқаролар йиғини, кенг жамоатчилик ташаббусни қўлга олиши керак. Шу мақсадда ҳовлилар, маҳаллалар ободончилиги бўйича ўтказилаётган мусобақаларни янада оммалаштириш, унинг якунида мевали дарахт кўчатлари аҳволи қай даражадалигига алоҳида эътибор берилса, нур устига аъло нур бўларди. Сирдарё вилояти ҳокими ташаббуси билан яқинда қайта ташкил этилган вилоят ўрмончилик хўжалиги бошқармаси раҳбарияти бундан буён боғдорчиликни ривожлантиришга бош ҳомий бўлиб қолса, ажаб эмас.

Дарахтлар барпо этиш, боғлар яратиш учун Сирдарёда имкониятлар етарли. Ш.Рашидов тумани марказидан Гулистон шаҳри сари борар экансиз, Ш.Рашидов номли деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси билан Т.Малик номли хўжалик ўртасида, шундоққина йўл ёқасида қатор қилиб экилган мевали дарахтларни кўриб беихтиёр «экканга раҳмат!» дейсиз. Боғ катта йўл ёқалаб анчагина масофага чўзилган. Демак, бундай хайрли ишни яна давом эттириш зарур. Шунда Мирзачўл боғлари ширин-шакар мевалари, тилими тилни ёрадиган қовун-тарвузлари билан яна ўз шуҳратини тиклаб олса ажаб эмас.

А.АБДУМАННОПОВ, журналист.

Сурхондарё

ЕЧИМИНИ ТОПМАЁТГАН МУАММО

ИККИ АСР ОРАЛИҒИДАГИ ТАШВИШЛАР

Йиллар бир-бирини қувиб ўтаверади. Лекин Термиз шаҳрида ҳамон шаҳарни чиқиндихоналардан тозалаш, ободончиликка эришиш бош муаммо бўлиб қолаверади. Шаҳримиз кундан-кун чирой очаётгани сир эмас албатта, Сурхондарё вилоят ички ишлар бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бўлими тозаликни назорат қилиш бўлинмаси бошлиғи, милиция катта лейтенанти Турғун БОБОХОНОВ шундай дейди:

- Бу нарса аввало шаҳримиз ҳуснига доғ бўлиб тушса, иккинчидан, турли хилдаги юқумли касалликларнинг уясидир. Бу гапларни бекорга айтаётганим йўқ. 1999 йилнинг ўзида шаҳримиздан 750 нафар норасида гўдак турли юқумли касалликларга дучор бўлди. Бизда «Юбилей» номи билан аталувчи деҳқон бозори бор. Кирсангиз кўнглингиз хира тортади. Гуруч сотаётганларнинг ёнида чиқиндилар уюлиб ётибди.

Бўлинма бошлиғининг эътироф этишича, шаҳардаги 4- ва 5-кичик даҳаларда, 2-, 7-, 10-болалар боғчалари атрофларида, 1-вилоят шифохонаси ёнида чиқиндилар ғарам-ғарам бўлиб ётибди. Нега бу чиқиндилар вақтида ташиб кетилмайди? Бу ишга бириктириб қўйилганлар шу кунларда қандай ишлар билан машғул юришибди экан?

Термиз шаҳар санитария-тозалаш корхонасида мавжуд 30 та транспортнинг 10 таси умуман ишга яроқсиз экан. Лекин шу ишлашга яроқли транспорт воситаларидан қандай фойдаланилаяпти, деб ҳам сўранг-да. Ҳар бир транспорт кунига атиги бир мартадан чиқинди ташиб чиқараркан, холос. Текшириш жараёнида яна найранг очилиб қолдики, корхона маъмурияти ишга яроқсиз транспортлар учун ҳам йўл варақалари ёзишиб, «ишлади» қабилида маълумотлар бераверишган. Шаҳар тобора чиқиндихонага айланиб бораяпти-ю...

Шаҳар санитария-тозалаш корхонаси раҳбари Абдимўмин Тилововдан «Шаҳар нега чиқиндихонага айланиб бораяпти?» деб сўрасангиз, уларнинг ҳам жиддий эътирозлари борлигига ишонч ҳосил қиласиз. Маълум бўлишича, шаҳардаги кўпгина ташкилот, корхона, муассасалар хизмат ҳақини тўлашга келганда пайсалга солаётган экан. Бунга ўнлаб мисоллар ҳам келтиришади. Айтайлик, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси 215 минг, Сурхон сув қурилиш трести 119 минг сўм, шаҳар коммунал хўжалиги 7 миллион 200 минг сўм, вилоят молия бошқармаси 54 минг сўм, Термиз Давлат университети 31 минг сўм, шаҳардаги мусиқа мактаби 45 минг сўм, вилоят туғруқхонаси 55 минг сўм қарздор ва ҳоказо. Рўйхатни яна чўзиб кетаверсак ҳам бўлади-ю, лекин бу билан мушкул осон бўлмайди.

Чиқинди масаласида гап кетса, айбдорларни излаганда, албатта, санитария-тозалаш корхонасини яхшилаб калтаклашади. Лекин бу ерда хизмат ҳақини вақтида тўлашни пайсалга солаётганларни ҳам оқлаб ёки ёқлаб бўладими? Агар шу икки томоннинг айби билан шаҳар чиқиндихонага айланиб бораяпти, деб айтсак, у қадар тўғри бўлмасди. Ҳовлисининг, уйининг ёки ишхонасининг олдида чиқиндининг ғарамлашиб бораётганини кўриб, билиб туриб бошқаларни айблаётган одамлар нақотки бу ишда айбсиз бўлсалар. Санитария-тозалаш корхонаси раҳбари А.Тилововнинг айтишига қараганда, бутун бир шаҳарда бор-йўғи ўнта жойда чиқинди қутилари қўйилган. Лекин одамлар кўп ҳолларда челак-челак, арава-арава чиқиндини белгиланган жойга эмас, балки дуч келган ерга тўкиб кетишни одат қилиб олишган.

Таёқнинг икки томони борлигини унутмасак яхши бўларди. Тозалик, экологик мусаффо муҳит, тансиҳатлик нафақат санитария-тозалаш корхонаси маъмуриятига шаҳар ҳокимлигига, нафақат шифокорларга, балки ҳамма-ҳаммага, ёшу қарига ҳам керак. Шундай бўлгандан кейин дуч келган жойга челаклаб, аравалаб, гоҳида тележкалаб чиқиндиларни ағдариб ташлайверишимиз керакмикин?

Термиздаги яна бир нарса кўнгилга соя ташлаб туради. Одатда бошқа шаҳарларда, хоҳ у катта, хоҳ кичик бўлсин, фаррошлар эрта тонгдан, ҳали одамлар қатнови қуюқлашмасдан туриб кўча ва йўлакларни, хиёбонларни супуриб-тозалайдилар. Лекин термизлик валломат фаррошлар эса эрталаб соат саккизгача ва ундан кейин ҳам чор-атрофни чангитиб супуриш билан банд бўладилар.

Одам қандай яшашни ўзига одат қилиб олса, шундай ҳаёт тарзига эга бўлади. Термиз шаҳрида тозалик-озодаликка эришиш, чиқиндихоналарни тозалашга қачон эришилади? Ёки бир қарашда кичкина, лекин Термизда тобора каттариб бораётган муаммо янги асрга ҳам ҳамроҳ бўлиб кириб борадими?

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ, «Mahalla» мухбири.

Қоракалпоғистон

ОВЧИЛИК ВА БАЛИҚЧИЛИКДА ҲАЛОЛЛИК БЎЛСИН

Мамлакатимизнинг катта ҳудудини, яъни 38 фоизини эгаллайдиган Қорақалпоғистонда табиий равишда овчилик ва балиқчиликка қулайликлар мавжуд. Шунинг учун қадимий отабоболаримизнинг «Уч ой совиним (чорва), уч ой қовуним, уч ой қабағим, уч ой чавағим», - деган иборасида катта маъно, мазмун бор.

Хўш, Оролбўйи ҳудудида овчилик ва балиқчиликнинг ҳозирги ҳолати қай даражада? «Mahalla» мухбирининг шу саволига Қорақалпоғистон Республикаси Овчилик ва балиқчилик жамияти раиси П.АЙТМУРОДОВ жавоб беради.

- Республикамизда атроф-муҳитни, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш мақсадида жамиятимиз аниқ мақсадларни кўзлаб қатор тадбирларни амалга оширмоқда, - дейди П. Айтмуродов. - Жумладан, овчилар ва балиқчиларни тўла рўйхатга олиб, улар орасида тушунтириш ишлари ўтказаяпмиз. Белгиланган режа асосида рейдлар ўтказаяпмиз. Бизнинг асосий вазифамиз - ҳайвонлар ва паррандалар бош сони ва балиқлар турини кўпайтиришдан иборатдир. Шунинг учун овчилик хўжаликлари ҳудуди 15 фоизга кўпайтирилди. Мазкур ҳудудларда ов қилиш қатъиян ман қилинди. Ҳайвонлар қиш ойларида бизнинг назоратимизда бўлиб, уларга ем-дон аралашмаларидан иборат озуқалар бериб борилади. Кузда эса шолипояларда қолиб кетган чавоқларни тутиб сув ҳавзалари ва кўлларга юбормоқдамиз. Овчилик хўжаликларида паррандалар учун сувда сузадиган 300 та уя қурилди ва қамиш плиталар босиш узлуксиз олиб борилмоқда. Булар бизнинг кундалик вазифаларимиз, аммо энг муҳими, умумий бойлигимиз чўл ҳайвонлари, қушлар, балиқларни ғайри қонуний овлаётган кимсалар йўлига ўз вақтида ғов бўлишдан иборат. Бу борада анчагина юмушлар адо этилганини қайд қилиш мумкин. Рейдлар давомида нукуслик Ўтемис Аметов, Тахтакўпир туманидаги «Довқара» - хўжалигида истиқомат қилувчи Озод Сейитниёзов сингари 50 нафардан кўпроқ кимсалар ҳайвонлар, паррандалар ва балиқларни қонунсиз равишда овлаётганларида қўлга тушиб, «тумшуғидан илинди» яъни белгиланган миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлди.

Суҳбатдош: А.ИСКАНДАРОВ. Нукус шаҳри.

РАНГЛАР СИЗНИ ДАВОЛАЙДИ...

Инсонда сариқ ранг ёрқин туйғулар, кўк ранг - совуқни ҳис этиш, оч бинафша ранг - қандайдир заифсиз, ҳаловатсизлик, қизил ранг эса бир олам таассуротлар бахш этишини буюк Гёте ҳам таъкидлаганди.

Олимларимизнинг кейинги изланиш ва тадқиқотлари ранглар гуллардаги қатор хасталикларни даволаш ва касалликларнинг олдини олишда қўл келишини исботлади. Россия Федерацияси Ҳарбий вазирлиги ҳарбий космик кучлари бош офтамологи Виталий Зверов шундай ҳикоя қилади:

Яҳшиси, асаб марказлари, жигар ва мускулларни қувват билан таъминлайдиган қизил рангдан бошлай қолай. Бироқ узоқ вақт таъсир қилиши оқибатида бу ранг одамда ҳорғинлик пайдо қилиши ва юрак уриши тезлашишига олиб келиши мумкин. Қизил ранг камқонлик, кўксов, ўпка яллиғланиши, эндокрин системасидаги хасталиклар, меланхолия ва ланжлик, бод, шамоллаш дардлари ва жинсий бузилишлар, шунингдек, кўз пардаси, гилайлик ҳамда кўзнинг хиралашиши хасталикларини даволашда қўлланилади. Бироқ иситма, асаб безовталиги, гипертония, шамоллаш жараёнида тавсия қилинмайди. Қизил ранг оқ-сариқдан келган кишиларга ёмон таъсир қилади.

Сариқ ва лимон ранглар эса ҳаракатлантирувчи марказлар фаолиятини кучайтиради, мускулларнинг энергияга бўлган эҳтиёжини таъминлайди, жигар, ичак ва терини тозалайди ҳамда уларнинг фаолиятини яхшилайди. Бўшаштирувчи ва сафро таъсир кучига эга, кайфиятни кўтаради, жинсий мойилликни оширади. Бу рангдан қанд хасталиги, ҳазм аъзолари фаолияти бузилганда муолажалаш, ўт халтаси фаолияти, жигар, ичак, офтамологияда эса гилайлик, кўзнинг хира тортиши ҳамда кўз томирларини даволашда фойдаланилади.

Тана ҳарорати кўтарилганда, асаб таранглашганда, шамоллаган пайтларда, кўриш сусайганда сариқ ва лимон ранглар тавсия этилмайди.

Яшил ранг томирлар торайишини бартараф қилади ва қон босимини пасайтиради, капиллярларни кенгайтиради, одамда хуш кайфият уйғотиб, қувватини оширади. Шу боисдан юрак-томир, нерв системалари, нафас қисиш, остеохондроз, ларингит, бавосил, уйқусизлик, шунингдек, кўз пардаси, гилайлик ва кўриш нервларини даволашда яшил ранг тавсия этилади.

Кўк ранг аксинча, қон томирлар торайиши ва қон босими ошишига имкон яратади. Айни пайтда гипертоник хасталиклар, тахикардия, бод хасталикларига зарар етказади. Микробларга қарши таъсир қилиш кучига эга. Бу рангдан биноларни дезинфекция қилиш, қулоқ, томоқ ва бурун, меъда-ичак йўллари хасталикларини даволашда фойдаланилади. Шунингдек, кўзнинг шох пардаси, бошланғич катаракталар, кўз хира тортиши касалликларида ҳам кўк ранг тавсия қилинади. Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, тўқ кўк рангнинг узоқ таъсир қилиши оқибатида депрессия ва толиқиш ҳосил бўлиши мумкин.

Бинафша ва нилий ранглар безлар ҳолати ва қоражигар фаолиятини таъминлайди, мускуллар тонусини оширади бу рангларни тиббиётда қўлланиш фойдалими, зарарлими, деган саволга кўк ранг ҳақида айтилган фикрлар айнан тўғри келади.

Даволаш амалиётида кўз хасталикларини муолажалайдиган ноёб аппаратлар пайдо бўлган. Айрим касалликларни муолажалашда гуллар рангининг таъсир кучи юз фоиз самара берса, бошқа ҳолатларда озроқ ёрдам беради. Шу билан бирга, инсоннинг умумий ҳолати яхшиланади, бош оғриқлари йўқолиб, иштаҳаси очилади, уйқуси барқарорлашади.

КЎК ЧОЙ... ЧЎМИЛИШ УЧУН

Пардоз буюмлари ишлаб чиқарувчиларнинг ўз мижозларини жалб этиш йўлида янгидан-янги, ҳайратланарли кашфиётлар қилишдан сира эринмасликларига қойил қолса арзийди.

Мисол учун, яқинда шу соҳага ихтисослашган таниқли «Элизабет Арден» фирмаси кўк чойнинг ичишга эмас, чўмилишга мўлжалланган махсус турини савдога чиқарди.

Маълумки, кўк чой кишига тетиклик ва роҳат бағишлайди. Инсоннинг иммун тизимини мустаҳкамлашда, танада тўпланиб қоладиган холестерин моддаси миқдорини ва юрак хасталиклари хавфини камайтиришда, шунингдек, организмнинг қариш жараёнини секинлатишда жуда фойдали эканлиги туфайли кўк чойни хорижда «яшил шифокор» деб ҳам улуғлашади. «Элизабет Арден» мутахассислари эса ана шундай ғаройиб хусусиятларга эга хуштаъм кўк чойни хушбўй лимон, апельсин ва жасмин кабилар билан омухталаш эвазига чўмилиш учун ишлатиладиган махсус «Кўк чой» орасталик сувини ихтиро этдилар.

КОМПЬЮТЕРЛАРНИНГ «ДОДА»СИ!

Американинг Ай-биэм корпорациясида янги суперкомпьютер яратилди.

Янги компьютернинг «супер»лиги, яъни фавқулодда жиҳати шундаки, у бир лаҳзада 12,3 триллионта амални бажара олади. Корпорация вакилларининг айтишича, одатдаги маиший калькуляторларда ана шу ҳажмдаги амалларни бажариш учун 10 миллион йил вақт сарфланиши лозим бўлар экан.

Дунё миқёсидаги энг тезкор суперкомпьютернинг ялпи оғирлиги 106 тонна бўлиб, унинг бўй-басти 800 квадрат-метр майдонни эгаллайди.

МЎЙЛОВМИСАН - МЎЙЛОВ-ДА!

Ҳиндистонликлар ўз ҳамюртлари Сингх Парихарнинг мўйловини мақташда уддабурон чиқиб қолишди.

Кўпни кўрган хорижлик меҳмон учун Сингхнинг «патак» мўйлови ҳеч бир жозибали кўринмаслиги мумкин. Аммо маҳалладошларининг айтишича, мабодо Сингх ўзининг «ҳусни ва эркаклик рамзи бўлган» бир метрлик мўйловининг учини бирров бураб қўйса борми, ёнатрофдаги аёллар ҳавасдан гул-гул ёнар, эркаклар эса ҳасаддан куйгани-куйган экан.

Айни чоғда Сингх Парихарнинг ўзи ҳам ана шу ноёб ва антиқа «бисоти»ни парваришлашни яхши кўрар экан. Айтишларича, у кечаю-кундуз мўйловини шампунлаб ювиш, тараш, ёглаб ялтиллатиш, жингала қилиш каби узлуксиз юмушлар билан машғул.

МАНА СИЗГА ТАРОНА!

Ванкувер симфоник оркестри энг катта жамоа бўлиб, куй ижро этиш бўйича жаҳон рекордини янгилади.

Ушбу оркестр жамоаси мусиқа билим юртлари талабалари билан бирғаликда - жами 6452 нафар созанда Бетховеннинг «Шодлик таронаси» симфониясини қойиллатиб ижро этиб, мумтоз мусиқа шинавандаларини хушнуд қилдилар ва лол қолдирдилар.

Бу борада Бирменгем оркестри томонидан 3503 мусиқачи иштирокида 1998 йилда қўлга киритилган оламшумул пешқадамлик, кўриниб, турибдики, аллақачон эскириб улгурди.

Азамат ТОИРОВ тайёрлади.

СЎРАНГ, БИЛИБ ОЛИНГ

- Қўшнимнинг айтишича, айримларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланаркан. Бу нафақа кимларга ва қандай ҳолларда берилиши ҳақида маълумот беришларингизни сўрардим.

Х.ЧОРШАНБИЕВ. Термиз шаҳри.

- Меҳнат Кодексининг 285-моддасига кўра бундай нафақалар киши касал бўлганида, меҳнатда майиб бўлган ёки бошқача тарзда шикастланганда, шу жумладан турмушда жароҳатланганда, оиланинг бетоб аъзосини парваришлаганда, карантин вақтида, санаторий-курортда даволанганда ва протез қилинганда тўланади.

Бундан ташқари меҳнатда майиб бўлган ва касб касаллигига чалинганда иш ҳақининг тўлиқ миқдорида, бошқа ҳолларда эса ходимнинг давлат ижтимоий суғуртаси бадалларини тўлаган муддатига (умумий иш стажига), қарамоғидаги вояга етмаган болаларининг сони ва бошқа ҳолатларига қараб, иш ҳақининг олтмиш фоизининг юз фоизигача миқдорда тўланади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасининг энг кам миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан оз бўлмаслиги ва нафақа ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақи миқдоридан ортмаслиги лозим.

***

- Тоғамнинг фарзанди йўқ. Шу сабабли уйини менга ҳадя қилмоқчи. Агарда мен ҳадяни олишни истамасам, қандай рад этишим мумкин?

А.ЭГАМҚУЛОВ. Миробод тумани.

- Ҳадя олувчи ўзига ҳадя топширилгунга қадар истаган вақтида уни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолда ҳадя шартномаси бекор қилинган ҳисобланади.

Бу шартнома ёзма шаклда бўлса, ҳадяни рад этиш ҳам ёзма шаклда амалга оширилиши керак. Агар ҳадя шартномаси рўйхатдан ўтказилган бўлса, уни рад этиш ҳам давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Яна бир томони шартнома ёзма шаклда тузилган бўлса, ҳадя қилувчи олувчидан ҳадяни олишни рад этиш оқибатида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Бундай ҳолатлар ФКнинг 503-моддасида ҳам белгиланган.

***

- Кўп ҳолларда муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқлари бузилади. Бундай қилмишни содир этганларга нисбатан қандай жазо чоралари кўрилади?

Б.РИЗОҚУЛОВ. Юнусобод тумани.

- Тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунча ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш - энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш баробаридан етмиш беш баробаригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

***

- Ўртоғим ўз машинасини маст ҳолатда бошқарганлиги қайд этилди. Унга қандай жазо қўлланади?

Қ.ШУКУРОВ. Навоий шаҳри.

- Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоголли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ёки маст эмаслигини белгиланган тартибда аниқлаш иш ҳақининг уч баробаридан беш баробаригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойдан бир йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса - транспортни бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан уч йилгача муддатга маҳрум этилади.

Агарда ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, - энг кам иш ҳақининг беш баробаридан етти баробаригача миқдорда жарима солишга асос бўлади. Ўзбекистон МЖТКнинг 136-моддасида шундай дейилади.

Саволларга ҳуқуқшунос Эркин МАВЛОНОВ жавоб берди.

Оила жамулжам

ОЛАМДА ГАП КЎП

АШХОБОД

Англия ва Голландиянинг «Роял-Датч-Шелл» нефт-газ компанияси Туркманистонда ўз янги технологияларининг тақдимот маросимини ўтказди. Маълумки, «Роял-Датч-Нефт» нефт ва газ захираларини қидириб топиш ва ўзлаштириш бўйича дунёдаги етакчи компаниялар сирасига киради. Компания вакилининг таъкидлашича, мазкур маросимни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад компаниянинг Туркманистондаги фаолияти кўламини янада кенгайтиришдир.

БИШКЕК

Қирғизистонлик фермерлар ўзларининг кичик банкларини тузишга киришди, деб хабар беради «КАБАР» ахборот маҳкамаси. Бу банклар деҳқонларнинг ўз-ўзини кредит билан таъминлашига ёрдам беради ва уларнинг бошқа молиявий эҳтиёжларини қондириш билан шуғулланади.

ОСТОНА

Каналанинг «Граффин ТАМПС» нефт компанияси қозоғистонлик ҳамкасбларига ўзларининг технологияларидан фойдаланишни таклиф қилди. Канадалик нефтчилар келтирган техникани «Каламакас» нефт конида синаб кўриш режалаштирилмоқда.

ТОЖИКИСТОН

Хабарларга кўра, Тожикистон хавфсизлик вазирлиги бошқармаси ходимлари олти юз килограммга яқин гиёҳванд модда ва эллик дона ўқотар қурол топган. Буларнинг барчаси Тожикистон-Афғонистон чегарасига яқин ерда, Шўрообод туманидаги қишлоқлардан бирида жойлашган махсус омборга яшириб қўйилган экан. Бундан ташқари, омбордан қирққа яқин мина ҳам топилган.

ҚОЗОҒИСТОН

Қозоғистонда минг гектардан ортиқ майдондаги ўрмон ёнмоқда. Кучли ёнғин бошқа ҳудудларга ҳам тарқалишига сабаб бўлаётир. Ёнғинни ўчиришга тоғли ҳудудлардаги мураккаб шароит ва ҳаво ҳароратининг юқорилиги халал бермоқда. Айни пайтда ёнғин юзага келган ҳудудларда қутқарувчилар гуруҳлари ва махсус ўт ўчириш воситалари ишлаяпти.

Маълумотларга қараганда, кейинги йилларда Қозоғистонда ёнғин оқибатида бир неча ўн минг гектар экин майдони яроқсиз ҳолга келган. Мамлакатнинг «яшил майдони» эса умумий ҳудуднинг тўрт фоизини ташкил этади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Қозоғистон яқин йилларда чўл зоналарининг кўпайиши муаммоси билан тўқнашиши мумкин.

АФҒОНИСТОН

Афғонистондан Тожикистонга гиёҳванд модда олиб ўтишга уринган қуролланган гуруҳ россиялик чегарачилар томонидан фош этилди. Маълумотларга қараганда, Панж дарёси орқали Тожикистонга ўтаётганда беш нафар контрабандачи кўлга тушмаслик учун чегарачиларга қарата ўт очган. Отишма чоғида барча жиноятчилар йўқ қилинган. Тўқнашув жойидан эса ўттиз килограммдан ортиқ героин, икки килограмм марихуана ва қурол-яроғ топилган. Айрим манбаларда кўрсатилишича, йил бошидан буён россиялик чегарачилар томонидан беш юз килограммга яқин наркотик ушланган.

ЎзА.

2000 йил 2 август
№ 55-56 (187-188)

АХЛОҚИНГДАН СЕЗУРЛАР

● ЯХШИЛАР ГУЛШАНИ

Фозил қори Ёсин ўғли СОБИРОВ

23. ТАҚДИРНИ СЕҲРУ ЖОДУ ЭМАС, ОЛЛОҲ БИЛАДИ

Билингки, қачон, қаерда насибангиз узилади, буни ёлғиз Яратганнинг ўзи билади. Маккада, Мадинада қазо қилганлар тўғри жаннатий бўлади. Саволсўроқ ҳам бўлмайди.

Ойша онамиздан ривоят қилинади. Бу Муборак Ҳадис. «Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи вассалламдан мана бу сўзни эшитдим» «Кимки ҳадеб тақдир тўғрисида гапириб юраверса, мен айтиб бераман эртага нима бўлишларини», деб тақдири илоҳийга аралашиб юрса, Оллоҳ қиёмат куни ниҳоятда қаттиқ сўраркан. Тақдири илоҳийдан фол очиб юрганлар минг-минглаб қаттиқ сўроқ, азобларда ушлаб турилар экан. Тақдири илоҳийга аралашмаган одамдан Оллоҳ бу тўғрисида умуман сўрамас экан». Ҳозир энди нима кўпайди? Тақдирчилару, фолбинлар! «Сени келгуси ҳаётингни айтиб бераман», дейди. Мана шунақа тақдир айтадиган, Оллоҳга ширк келтирган фолбин олдига келган одамга фол очиб, «Эртага ундай, кейин бунақа ишлар бўлади» деб лақиллатиб турган экан. Фол очираётган кишининг ўғри оғайниси фолбиннинг борини шилиб кетибди. «Бировларнинг тақдирини айтиб бергунча, ўзингнинг тақдиринг нима бўлишини билиб олгин» деб.

Фолбинлик кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмас. Ҳийла-найранг, усталик, одамларнинг омилиги, билимсизлиги ва иймони сустлигидан фойдаланиб, бойлик орттириш бу. Ҳозир нима кўп, бирон-бир касалликка дучор бўлганлар кўп, алданганлар кўп, гумондорлар кўп. Бундай томирингизни ушлаб туриб, «Сизни фалон жойингиз касал, ё фалон куни сизга бир одам зулм қилган экан, пулингизни олиб кетиб бермабди», деса, «Ё тавба, биларкан-а, томиримни ушлаб ҳаммасини айтиб берди-я» дейишади.

Манжалаққа Иброҳим Алайҳиссаломни ўтқазиб, уч кун ёқилган дўзахдек қизиб ётган гулханга ташлаётганларида Оллоҳим айтди, «Дўстим куймасин, жаннат кўйлагини кийгиз» деб буюрди Жаброил Алайҳиссаломга. Жаброил Алайҳиссалом энди кўйлакни олиб келиб, кийдираман, деб турсалар, Иброҳим Алайҳиссалом киймадилар, «Мен ўзимга таваккал қилганман, нима бўлса Оллоҳдан кўрдим». Шунда Оллоҳ айтди, «Эй ўт-аланга, дўстим учун салқин гулзорга айлан!» Иброҳим Алайҳиссалом ҳали алангага тушмасдан бурун алангага салқин гулзорлардан бирига айланди-қўйди. Ўтда куймай чиққан Пайғамбарни кўрган Миср шохи Намрут калима келтириб, Исломга кирди. Сизу биз тақдирга тил теккизмаган ҳолда, ақл билан, илм билан ўзимизни эҳтиётимизни ҳал қилиб юришимиз керак.

Саврари олам бир куни айтдилар, «Эй, Маоз, бошингга қилич келганида ҳам Оллоҳга ширк келтирма. Оллоҳга ҳеч кимни шерик қилма. Якка ўзидан сўра. Ўзига ибодат қил. Бутларга, руҳларга, санамларга, инсонларга, ҳайвонларга сиғинма, ўзига таваккал қил, ўзидан сўра». «Иккинчи сўзим, - дедилар Пайғамбаримиз. - Эй, Маоз, ҳеч қачон ота-онангнинг сўзини икки қилиб, уларнинг сўзини ташлаб, ота-онага оқ бўладиган ишни қилмагин. Оллоҳ сендан норизо бўлиб қолади». Ота-она ҳеч қачон молингдан кеч, жонингдан кеч, демайди. «Учинчи сўзим, - дедилар Саврари олам, - беш вақт намозга бепарво бўлма. Фарз бўлган намозни қасддан тарк этма. «Бақара» сурасида «Сеҳр-жоду амалларини Сулаймон Пайғамбаримдан кўрманг. Ҳоруд деган, Моруд деган фариштани бандаларимни синаш учун Бобул деган юртга туширдим. Улар «Иймонингиздан кечсангиз, Оллоҳга куфр келтирсангиз, сеҳримизни ўргатамиз», дейишибди. 50-60 йил ҳеч ким келмади. «Эй, иймонимдан кечиб сеҳр ўрганаманми?» деб. Охири битта қийналган, ночор «Менга ўргатинглар» деб келибди.

- Иймондан кечасанми?

- Кечаман, - деди ҳалиги одам. Ана шу иймонсиз биринчи бўлиб сеҳру жодуни ўргангандан кейин, бошқалар ўрганди. Шуни яхши билинг-ки, бу ишни иймонидан кечганлар қилади. Беш вақт намоз ўқиб, ўзига ибодат қилиб келаётганларга Оллоҳнинг зиммасида бўлганларга сеҳр-жоду ҳечам амал қилмайди.

Пайғамбаримиз Мерож кечасида сўрадилар, «Ё, Раббим, мени умматларимнинг сеҳр-жоду амаллари таъсир қиладиган қилмагин». Оллоҳ айтди, «Ваъда бераман, беш вақт намоз ўқисалар, менинг измимда бўладилар ва уларга сеҳр-жоду таъсир этмайди». Шунинг учун намоз улуғ неъмат ҳисобланар экан.

ДИЛ ТУБИДАН...

Абдулкодир ХАЙИТМЕТОВ

● ТАРИХДАН ТАРИҚДЕК

ХОТИНИНИ ҲАРДОҚЛАГАН ШОИР

Менинг назаримда, ўзбек адабиёти тарихидаги ўзига хос, юмшоқ кўнгил шоирлардан бири Нодим Намангоний (1844-1916)дир.

Нодимдан бизга катта адабий мерос қолган бўлиб, бу меросни ўз ичига олган девони бизгача етиб келган. Унинг ҳаёти ва ижодини махсус ўрганган, шу мавзуда номзодлик диссертацияси ёқлаган Алихон Халилбековнинг ёзишича, шоир ижоди мавзулар ранг-баранглиги эътибори билан ҳам, бадиият нуқтаи назаридан ҳам унга замондош ижодкорлардан қолишмайди.

Шахсан менга Нодимнинг 1890 йили дам олгани Авлиё ота (Жанбул вилоятининг маркази - Тароз)га бориб қолиб, у ерда узоқроқ туриб қолганда, ўша ердан рафиқасига ёзган шеърий мактуби жуда ёқади. Шоир меҳрибон ёри, ёстиқдошига мурожаат қилиб, бу хатда дейди:

Эй боғи умримда битган ниҳол,
Кўзум чашмаси бирла топган камол.
Дилим қувватию уйим зийнати;
Кўзум нури, ёлғиз бошим давлати.
Дуогўйи бу мустаманди ғариб,
Ризожўю афтодаю бенасиб.
Муҳаббат жаҳонида бир тоза боғ;
Манинг рўзғоримда ёнган чароғ.

Нодим оиласидан узоқда, мусофирчилик шароитида яшар экан, ўз жигарбандларини соғинади, кўз олдидан жафокаш хотинининг барча яхшиликлари бир-бир ўтади ва рўзғорда хотинининг ўрни ўзиникидан кам эмаслигини янада чуқурроқ ҳис этади:

Мени айлабон эл аро аржуманд,
Қилиб рўзғоримни қадрин баланд.
Боқиб жумла фарзандимни субҳу шом,
Тутуб гўшан уйда доим мақом.
Саранжом этиб ишни, шод айлаган,
Неча мушкилимни кушод айлаган...

Нодимнинг муҳаббат муаммосига анъанавий нигоҳ билангина эмас, балки реал ҳаёт кўзи билан қараб, оилани мустаҳкамлашга, аёлнинг хислатларини қадрлаш ва улуғлашга қарата бу шеърий асарини ёзгани бошқа ижодкорларга ҳам ўрнакдир. Шоирнинг бу асари мактаб ва олий ўқув юртларида ҳам ўқитишга, тарғиб этишга муносибдир.

● АССАЛОМ, КИНОФЕСТИВАЛЬ!

БУГУН БУХОРОДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ФИЛЬМЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ III ФЕСТИВАЛИ ОЧИЛАДИ

Истиқлол йилларида биз унутишга маҳкум этилган қадриятларимизни тиклаб олдик.

Шу жумладан, миллий киномизни ҳам. Эртага, фикримизнинг далили ўлароқ, Бухорода ўзбек миллий фильмларининг анъанавий Ш фестивали очилади.

Анъанага айланиб қолган бу кино байрамида минглаб томошабинлар ўзбек кино усталари яратган янги икки серияли «Алпомиш», «Чимилдиқ», «Қисмат», «Аёллар салтанати», «Феллини» сингари бадиий фильмларни ва кўплаб ҳужжатли кино, мультипликация асарларини кўришга муяссар бўладилар.

Фестивалда иштирок этадиган 130 дан зиёд санъаткорлар гуруҳларга бўлиниб, шаҳар ва туманларда кино мухлислари билан ижодий учрашувлар ўтказади.

Кинофестивалнинг 7 август куни эрталаб соат 10 да «Бухоро» ўйингоҳида бошланадиган тантанали ёпилиш маросими ғолиб киносанъаткорларга мукофотларни топшириш ҳамда катта гала-концерт билан якунланади.

Воҳид ЛУҚМОН,
Илҳом САФАР,
ЎзА мухбирлари.

● МАНСАБ ВА МАҲАЛЛА

ТЎЙ

Бўлган воқеа ибрати

Тўй маслаҳати ихчамгина ўтди. Ён қўшниларидан икки кишини ҳисобга олмаганда даврада асосан тўй соҳибининг ишхонасида тўрт букилиб хизмат қиладиган мулозимлари-ю, бошқа вилоятдан довон ошиб келган қавмлар тўпланишганди.

- Маҳалла оқсоқоли шу ердами? - сўради ишхонадан келганлардан бири аста тўй эгаси бўлмиш бошлиғининг қўшниларига кўз ташлаб.

- Маҳалла оқсоқоли эмас, кўча боши ҳам йўқ. Шопуримни юборсам, улар нариги кўчадаги тўй маслаҳатида экан, - деди бошлиқ бепарвогина.

- Ҳар ҳолда оқсоқоллардан биронтаси келса ёмон бўлмасди, - гап қотди узоқдан келган меҳмонлардан бири унга маъноли қараб.- Ахир ошпаз, айтувчи, қозон-товоқ, стол-стуллар, дастурхон дегандек...

- Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин, тоға, - илжайди бошлиқ. - Ошпаз ана андижонлик Қўлдошвой, девзирани ўрмалатиб юборади. Қолаверса, тошкентлик ошпазлар зарчавалик ошни сайратворишади-ю аммо девзирани дамлаша олишмайди. Хуллас, гап шу, нонвой ҳам, қассоб ҳам, қўйингки, чой ташувчигача қариндош-уруғлар, ишхона ходимларидан. Қозон-товоқ, стол-стуллар, дастурхонларни ишхона йигитлари ҳали замон олиб келишади. Биз манави сабзини тўғраб, жойни катта қилиб, меҳмонларни кутсак бўлгани. Ҳа энди, бутун Тошкент кўчиб келмаса ҳам, бирор минг киши бўларов, - мийиғида кулди бошлиқ мулозимларига қараб. - Ҳа, айтмоқчи, айтувчи йигитнинг қўлига минг «қўқони» тутқизиб маҳаллани етти ёшдан етмиш ёшигача айтиб чиқасан, дедим.

Тонгда ҳар иккала тўйхонада бараварига карнай-сурнай, ноғора садолари янгради. Бошлиқ ёғочларига ўймакорлик билан гул солинган дарвозани ланг очиб икки кўзини кўчадан узмай турарди. Шаҳар одатига кўра тонг ғира-ширасида бири-биридан бежирим автомашиналарда раҳбарлар, уларнинг айрим ўринбосарлари, масъул ходимлар, тўй эгаси бўлмишнинг Тошкентда орттирган оғайнилари келиб кетишди. Маҳалла аҳлидан эса дарак йўқ. Кеча сабзи тўғрашга чиққан икки йигиту яна беш-ўнта кўча аҳлидан бошқа одам кўринмади. Тоқати тоқ бўлган бошлиқ шопурига айтувчи билан маҳалла оқсоқолини олиб келишни буюрди. Кўп ўтмай, ҳар иккаласи машинадан тушиб бошлиқ билан саломлашди.

- Бу қанақаси, маҳалла аҳли қани? Ахир олти юзта жойдан базўр юзтасигина тўлди-ку! Юз кило гуручнинг ошидан энди бешдан бири тарқатилди. Мен манави айтувчингизга берадиганимни берган бўлсам... Ишхона ходимлари, вилоятдан келган меҳмонлар олдида нима деган одам бўлдим?

- Ҳамма гап сизнинг амал-тақалингизга ишониб, маҳаллага аралашмаганингиз, тўғрироғи, у билан ҳисоблашмаганингизда, - деди оқсоқол бир дадиллик билан. - Айтинг-чи, вилоятдан келиб шу маҳаллада ҳовли-жойли бўлганингизга неча йил бўлди?

- Ўн йил, - тўнғиллади. - Нима бўпти?- писанда билан деди у.

- Ҳа, ўлманг. Шу ўн йил ичида сиз ёки бола-чақангиз маҳалланинг қайси бир тўй-маъракасида иштирок этдилар? Қолаверса, сизнинг тўй тараддудингизни орқаворотдан эшитдиму, лекин қайси кунга белгилаганингиздан бехабарман. Аввало тўй кунини маҳалла кенгаши белгилайди. Хабардор бўлсам ҳам бунақа ҳалдан зиёд тўлиб тошган дастурхон атрофида ўтирмаган бўлардим. Дастурхонингизга бир қаранг, қуш сутидан бошқа ҳамма нарса бор-а. Ахир тўй ва маъракаларни тартибли, ихчамгина, дабдабасиз ўтказишга ҳаракат қилаётган бир пайтимизда шунча нарсага нима ҳожат? Яна уялмай-нетмай наҳорги ошга ароқ, коньяк, икра, қази-қарта қўйибсиз. Жуда ошиб-тошиб кетсангиз маҳалладаги кам таъминланган оилаларга мадад қўлингизни чўзинг эди. Ўшанда манави шохона дастурхондаги ноз-неъматлар ҳам, юз килолик девзира палов ҳам исроф бўлмасди.

Оқсоқолнинг ҳар бир сўзи аниқ нишонга урилган ўқдек юрагининг тўрига бориб тегаётган бошлиқнинг азойи-баданидан совуқ тер қуйилиб, ўтирган жойида қолди.

Жўра УМАРҚУЛОВ,
Гулистон шаҳри.

МАКТАБЛАР ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ШАЙМИ?

Жиззах вилоят ҳокимлигида таълим-тарбия муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш жараёнига бағишланган йиғилиш бўлди.

Унда мактаб ва коллежларни таъмирлаш ишларининг бориши, кузги-қишки мавсумга тайёргарлик, ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг бугунги аҳволи тўғрисида сўз борди.

Йиғилишда сўзга чиққан вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев мактаб ва болалар боғчаларини таъмирлаш, дарсликлар етказиб бериш борасида муайян ишлар қилинаётганига қарамай, аҳвол вилоятнинг ҳамма жойларида ҳам бирдек эмаслигига алоҳида эътибор қаратди. Шаҳар ва туман халқ таълими тизими муассасалари, ҳомийлар ва оталиқ ташкилотлари бу борадаги ишларни янада фаоллаштиришлари лозим. Йиғилишда мавжуд камчиликларни яқин кунларда бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Йўлчи Жўра,
ЎзА мухбири.

БОЛАЛАР ҲОРДИҒИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ҳозир ёз. Ёзги таътилнинг бутун бир ойи ҳали олдинда экан, бу ҳордиқ дамларида фарзандларимиз ҳам мириқиб дам олаяптилар. Кимдир ҳайвонот боғида, кимдир истироҳат гўшасида, яна кимлардир узукун сув ҳавзасидан чиққиси келмасди. Начора, ҳозир ёз - айни ўйнаб куладиган, мазза қилиб ҳордиқ чиқарадиган палла.



Кашкадарё

ЗАМОН ЗАЙЛИ ДЕБ

Замон зайли билан бугун маҳалладагиларнинг тенг ярми ишбилармон, тадбиркор. Аммо маҳалладошларидан яшириб шахсий бойлик орттириш касалига дучор бўлган бўлса-чи? Бундай дейишга асосимиз бор. Мана далиллар.

Орзиқул Рўзиев Нишон туманининг Эски Нишон қишлоғидаги маҳаллалардан бирида яшайди. Пул дардига мубтало бўлган Орзиқул электр токидан ноқонуний фойдаланиб, чигитдан ёғ ишлаб чиқарадиган жувоз қуриб олди. Хотини Шарофат Ботирова тайёрланган маҳсулотнинг ҳар литрини 300 сўмдан пуллаб турди. Аммо цехни давлат рўйхатидан ўтказиш, олинадиган фойдадан маълум миқдорда солиқ тўлаш лозимлиги тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмади. Ёғнинг сифатиничи? Истеъмолга яроқсиз ёғдан аҳоли зарар кўраётганлиги ҳам уни сира қизиқтирмади. Вилоят солиқ хизматининг тезкор гуруҳи яширин иш кўраётган «тадбиркор»нинг сирини фош қилди. У айбига яраша жазоланди, албатта.

***

Маҳаллаларда, кўчаларда бензин сотувчилар кун сайин кўпайиб кетаётганлиги ҳам сир эмас.

Шаҳрисабз шаҳар «Ипак йўли» кўчаси, 197-уйда яшовчи Музаффар Тошмуродов ҳам худди шундай йўл тутди. Қонунга хилоф равишда ўз уйида бензин сотиш билан шуғулланиб келди. У харидор Дилкаш Холовга нарх устига нарх қўйиб бензин сотаётганда солиқчилар тузоғига илинди.

***

Алишер Тўрақулов асли транспортчи, Самарқанд темир йўл транспорти техникумини тугатган. Бир пайтда нафақат ўзи яшаб турган Яккабоғ туманидаги Ж.Михлиев номли жамоа хўжалигининг Ғиштепа қишлоғида, балки бутун Қашқадарё вилоятида ном таратди. Нега деганда, «Атторнинг қутисида йўқ» дори-дармонлар унда топиларди.

У ҳам Қарши шаҳар 1-миттитуман, 12-уйда яшовчи Урия Умировга 40,8 минг сўмлик турли дорилар ҳамда дори-дармон воситаларини сотиб, пулини санаб олаётганида қўлга тушди.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

● КИНОЯ

Жиззах

Тоза ичимлик суви ўтадиган водопровод қувурларининг ақл-идроки, виждони-иймони бўлганида, Жиззах шаҳридаги Ўратепалик маҳалласи, Ойбек Саиднасимов номли кўчасига бурилган жойда тарс-тарс ёрилиб кетган бўларди. Афсуски, темир қувурда на ақл бор, на виждон бор.

ҚЎШНИДА ИККИ ЖЎМРАК, БИЗДА ЭСА СУВ БЕДАРАК!

Тўғрироғи, қувурлардан бу инсоний тушунчалар талаб қилинмайди, йўқса, қайси эслиҳушли сув қувури бир хонадоннинг ўзига икки марта кирган бўларди? Гап О.Саиднасимов номли кўчасидаги хонадонлар ҳақида кетаяпти.

Мавзуга изчилроқ ёндошадиган бўлсак, О.Саиднасимов номли кўчасида қўним топган 8 нафар ҳовли фуқаролари ҳовлисига қўшимча равишда сув қувурини ўтказиб олишган, аниқроғи уларга баъзи бир ишбилармонлар кўмак бериб, ҳожатларини чиқаришган. Бу «ҳожатбарор»нинг кимлигини эса кўча аҳолиси яхши билади. Бу хонадонлар соҳиблари сувдан томорқани суғоришда, рўзғор ишларида бемалол фойдаланаверишади. Ваҳоланки, бу хонадонларда сув масаласи аввалари муаммо бўлмаган - водопровод олдиндан бор. Улкан диаметрлик сув қувурлари ўз ишининг устаси олдида таслим бўлади. Ерлар ўзбошимчалик билан кавланади, асфальтлар қўпарилади, канал бўйидаги бетон қопламалар бузилади, қанча тартибсизлик қилинса-қилинадию, лекин хонадонлар учун «зарур» бўлган иккинчи қувурлар зўр ғайрат билан улаб келтирилади. Шаҳар «Сувоқава» корхонаси раҳбарлари аҳоли сув таъминотидаги бундай «ҳотамтойлик»ни биладими ё кўриб-кўрмасликка оладими?

Ваҳоланки, ўратепаликларнинг кўпгина хонадонларига сув қувури ўрнатилган бўлсада, уч йилдирки, улардан сув деярли оқмайди. Босим йўқ. Шу маҳалла оқсоқоли, 73 ёшли қария Ҳотам ота Маматқулов сув муаммосини кўтариб «Сувоқава» идорасига ўн бир марта борди. Ҳар гал бир хилдаги қўпол, дағал муомала. Сувдан эса дарак йўқ.

Анвар ИМОМОВ.

БИЛЛУР СТАКАН

Ҳикоя

Саидахон ҳар кунгидек эрталаб ишхонасида чой ичиб ўтирарди. Ҳамхонаси Дилдора опани ҳам чойга таклиф қилди.

Диллдора опа:

- Қани, Саидахон, чой қуйинг! - деб қўлидаги гулли биллур стаканни чўзди.

Саидахон чой қуяётган эди, бир пайт Диллдора опанинг қўлидаги гулли стакан тарс ёрилиб кетди.

- Вой, кечирасиз, Диллдора опа, стаканингизни синдириб қўйдим! - деди Саидахон опа куйиниб.

- Хафа бўлманг, мен сизга янги биллур стакан олиб бераман, - деб уни юпатди Саидахон.

Саидахоннинг ҳам кўнгли синган эди. Нега бўйнимга олиб, кечирим сўрадим, ахир, менда айб йўқ эди-ку, - деб ўзини койиди. Лекин, барибир олиб берганим бўлсин ўша биллур стаканни, деб дилига тугиб қўйди.

Саидахон эрига бор ҳақиқатни айтмади. Агар айтса, биллур стакан олиб бермайди, деб қўрқди. Қўлимдан тушиб синди, деб алдади. Дўконда биллур стакан минг сўм турар экан, - деди.

Эри пулни санаб бераётиб, яна синдириб юрма, деб ҳазиллашиб ҳам қўйди.

Дўконга кириб ўтиш учун Саидахон эрталаб барвақт ишга отланди. Дўкон олдида бирга ишлайдиган Жамила опа турган экан.

- Қайси шамол учирди, Саидахон, нима қилиб юрибсиз? - деди қулиб Жамила опа.

- Ўзингиз нимага юрибсиз?

- Бир нарса харид қилмоқчийдим, шунга минг сўм етмай турибди, мабодо сизда йўқми? - деб сўради Жамила опа.

- Минг сўм пулим бор, лекин ўзимгаям керак-да!

- Нима олмоқчисиз?

- Биллур стакан.

- Кимга? Ўзингиз учунми? Нима қиласиз биттасини олиб?

- Чунки қарздорман. Кеча Диллдора опанинг биллур стаканини синдириб қўйдим, - деди хўрсиниб Саидахон.

Бу гапни эшитиб, Жамила опа қотиб-қотиб кулар эди. Саидахон ҳайрон бўлди.

- Нега куляпсиз?

- Ўшанинг гапига ишондингизми? Биллурнинг фарқига бормас экансиз. У стакан оддий эди-ку. Ахир, Диллдора опангизга, чой ичасиз, деб мен ўзим берганман, - деб яна кулди Жамила опа. - Уялмай-нетмай, сизни қарздор қилиб қўйдими?

Мана, орадан бир йил вақт ўтса ҳамки, Саидахон чой дамласа, доим Диллдора опага илинади. Лекин бирон марта, нега алдагансиз? - деб сўрагани йўқ.

Бу воқеа ўтди-кетди. Саидахон ўзининг кўнгли синган бўлса-да, доим бировнинг кўнглини авайлаб яшашни одат қилган эди.

Мунаввар РАШИДОВА.

MAHALLA га
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри
обуна бўлиш учун ҳеч қачон кеч бўлмайди.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шуҳрат ЖАЛИЛОВ
Иброҳим РАҲИМ
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Рустам ҚОСИМОВ

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи:
Музаффар НОРМАТОВ

Сахифаловчи:
А. ЮЛДАШЕВ

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-640

Топширилди—20.30